

# “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналари халқаро ЭСГ рейтингларига эга бўлди

// 24.02.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-tarmoq-korhonalari-halqaro-esg-reytinglari>

## “O‘ZKIMYOSANOAT” AJ TARMOQ KORXONALARI XALQARO ESG REYTINGLARIGA EGA BO‘LDI



“Dehqonobod kaliy zavodi” AJ — 37 ball

“Maxam-Chirchiq” AJ — 16 ball

“Ammofos-Maxam” AJ — 12 ball

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 19-апрелдаги ПҚ-163-сон қарори ижроси доирасида давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва замонавий корпоратив бошқарувни жорий этиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифалар доирасида Ўзкимёсаноат АЖ тармоқ корхоналари S&P Global халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда ESG рейтингларини қўлга киритди. ESG натижалари:

- "Деҳқонобод калий заводи" АЖ — 37 балл
- "Максам-Чирчиқ" АЖ — 16 балл
- "Аммофос-Максам" АЖ — 12 балл

Мазкур натижалар тармоқда экологик масъулият, ижтимоий барқарорлик ва корпоратив бошқарув стандартларини босқичма-босқич жорий этиш жараёнлари кетаётганини кўрсатади.

"Ўзкимёсаноат" АЖ тармоғида ESG тамойилларини жорий этиш — бу шунчаки рейтинг эмас, балки барқарор ва масъулиятли келажакка қаратилган стратегик қадамдир.